

Хотира - абадий, қадр – муқаддас

Буюк давлат ва сиёсат арбоби, ўзбек халқининг атоқли фарзанди Ислон Каримов Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти сифатида истиқлол йилларида мамлакатимизни жаҳонда ўз ўрнига эга бўлган, мустақил ва мустаҳкам давлатга айлантирди. Биринчи Президентимиз бошлаб берган оламшумул ислохотлар бугун давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида изчил давом эттирилмоқда.



Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислон Каримов таваллуди куни муносабати билан “Гидромелиоратив ишларни механизациялаш” факультетининг Ёшлар билан ишлаш бўйича декан ўринбосари О.Рўзибаев ҳамда 1-курс фаол талабалари жорий йилнинг 30 январь куни “Ислон Каримов” номидаги илмий-маърифий мемориал мажмуага ташриф буюрдилар. Талабалар мазкур мажмуада Биринчи Президентимиз шарафига қад кўтарган ҳайкал пойига гул қўйишиб таъзим бажо келтиришди. Биринчи Президентимиз Ислон Каримов таваллуди муносабати билан уюштирилган мазкур ташриф талабалар қалбида умрбод сақланиб қолиши тайин.

Ёшлар билан ишлаш бўйича декан ўринбосари Ортиқ Рўзибаев ахборот